

РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ



МУСТАҚИЛ ЎРГАНУВЧИЛАР УЧУН

ТОШКЕНТ "Ўқитувчи" 1989

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзosi, профессор Гани Абдурахмонов, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов.

ТАҚРИЗЧИЛАР: филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов, филология фанлари номзодлари: Эргаш Умаров, Зиёдулла Ҳамидов, Нишонбой Ҳусанов.

ХАТТОТ – муаллифнинг ўзи.

Бугунги воқелик ўтмиш меросимизни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш орқали ҳаётта, истиқболга назар ташлашни зарурий вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбек халқи минг йил давомида яратган илмий-маданий мерос араб ёзувида битилган китобларда жамланган. Ўтмишни ўрганиш учун эса эски ёзувни билиш керак.

Ушбу китоб X асрдан тўртинчи аср бошларигача расмий ёзув сифатида қўлланилиб келган араб алифбоси ҳақида бўлиб, эски ёзувимизга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

4602000000 – I99
инф.п. – 89
353(04) – 89

ISBN5-645-01125-2

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1989.

МУҚАДДИМА

Ёзув – инсоният тафаккури яратган маънавий бойликларни асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга етказувчи бебаҳо восита. У инсоннинг энг олий кашфиётларидан бири.

Ҳаҳон тарихидан маълумки, юксак маънавият, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз ёзуви бўлган. Дунё халқларининг тиллари каби ёзувлари ҳам ўзига хос.

Афсуски, ижтимоий-сиёсий шароит, моддий ва маънавий вазият тақозосига кўра, айрим халқларнинг ёзуви, ҳатто, тили ҳам унутилиб кетган. Бунга уруш ва низолар, кескин суръатда олиб борилган сиёсий тазйиқ ва таъқиблар ҳам сабаб бўлган. Истеъмолда йўқ тил ҳам, ёзув ҳам, шубҳасизки, таназзулга юз тутарди. Ўрта Осиёда қўлланилган қадимий битиклар – айрим хроника ва тарихий манбалардагина сақланиб қолган хоразм, сўғд (оромий), ўрхун-енисей ва уйғур ёзувларининг тарихий қисмати ҳам шундай бўлди. Маълумки, УП асрдан бошлаб, араб босқинчилари

дин Вотвот, Насавий, Байҳақий сингари муаррихлар яратган ўлкамиз тарихига оид мўмтоз асарларнинг барчаси араб ёзувида битилган. Булардан ташқари, тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, кимё, илми нуҷум, жўғрофия каби фанлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи манбалар ҳам ана шу ёзувда сақланиб қолган. Буларнинг ҳаммаси биздан, хусусан, ўша соҳалар тарихи бўйича шуғулланувчилардан араб ёзувини мукаммал ўрганишни тақозо этади. Чунки халқимизнинг кўп асрлик маънавияти, руҳий олами, ижодкорлик салоҳияти ана шу ёзувда акс этган. Шундай экан, ўз халқи тарихини, ўтмиш адабиётини билиш, уни чуқурроқ идрок қилиш истагида бўлган ҳар бир ўқувчи араб алифбоси асосидаги эски ўзбек имло-сидан бохабар бўлиши, мазкур ёзувнинг ўзига хос нозик жиҳатларини обдон ўрганган бўлиши зарур. Тарихий манбаларни ўқиш-ўрганиш учун, Қозон босмасидан ташқари, Тошкент литографик нусхалари, қўлёзма асарларга хос ёзув қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим.

Қўлёзма китобларни ўқиш учун эса кишида

етарли малака, савия, бой тажриба бўлиши керак.

Бугунги воқелигимиз, ҳаётнинг тараққиёт оқими ўтмиш меросимизни ҳар томонлама ўрганиш-ни тақозо этмоқда. Бу эса олдимизга ўтмиш меросимизни атрофлича эгаллаш билан борлиқ муаммоларни тезликда ҳал этиш вазифасини кўндаланг қўяди. Маънавий меросимизни ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг илғор ғояларини кенг халқ оммасига етказиш учун эса эски ўзбек тили, яъни араб ёзувини пухта ўзлаштириш лозим.

Биз ўтмиш меросимизни қанчалик пухта билсак, бугунги кунимиз қадрини, мазмунини шу қадар теранроқ англаб етамиз. Рус революцион демократларидан бири Н.Г.Чернышевскийнинг "Ўтмиш-ни унутма, ўтмиш келажакнинг устозидир",—деган сўзлари замирида ҳам ана шу мантиқ ва кўламдор маъно ётганлигини англаб олиш қийин эмас.

Қўлланманинг мақсади, тузилиш принциплари. Ушбу қўлланмада араб ёзуви ва унинг ўзига хос томонлари хусусида сўз юритилади. Мазкур китоб тил ҳамда ёзувимиз тарихига қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлири филология факультетлари студентлари учун мўлжаллаб, 1959 ҳамда 1973 йилларда чиқарилган "Ўқиш китоби" (Тузувчилар: Т.Шермухамедов, Ф.Абдуллаев, Л.Халилов)дан фарқ қилади. "Ўқиш китоби"да асосий диққат эски ўзбек тилининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ҳамда араб ёзувининг босма шаклларига қаратилган. Китобга киритилган матнлар ҳам босма ҳарфда берилган. Ушбу қўлланма эса эски ўзбек тили курсининг илк босқичи, яъни араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувини босма ҳамда ёзма шаклларини ўргатишга, аниқроғи настаълиқ хатининг сирлари хусусида маълумот беришга бағишланган. Демак, китобнинг асосий мақсади эски ўзбек имлосини ўрганувчиларга ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат. Шунингдек, китобда ҳарфларнинг ўзаро боғланиши асосида сўзлар ясалиши ҳам бирмунча соддалаштирилган ҳолатда берилган.

Қўлланма оддийликдан мураккабликка принципи асосида тузилган, бу эса ўрганувчиларда ўқиш ва ёзиш малакасини секин-аста ошира боришни на-

зарда тутади. Шу тариқа ўқувчиларни ўтмиш даврлардан мерос бўлиб қолган, уста хаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзма китобларни ўқиш ва ўрганишга чоғлайди. Ўқувчиларга осон бўлсин учун китоб дарс-сабоқлар тартибида тузилди. Ҳар бир дарс сўнгида ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида машқлар келтирилди. Китобнинг "Илова" қисми ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Машҳур хаттотлар ўз ҳуснихатларини чиройли ва жозибадор бўлиши учун араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфга сайқал беришга интиланлар. Бу эса араб ёзувининг, хусусан, ундаги ҳарфларнинг турлича ёзилишига олиб келган. Қолаверса, араб ёзувидаги бежиримлик, котибларнинг қоғоз ва сиёҳни иқтисод қилиш мақсадида қисқа бир шаклда ёзишга интилиши ҳам ҳарфларнинг ўзгаришига олиб келган. Шунинг учун ҳам ўтмиш даврлардан сақланиб қолган китобларнинг босма ҳамда қўлёзма нусхалари ўртасида катта тафовут бор. Хатто бу фарқни қўлёзманинг нусхалари орасида ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, турли шаҳарлардаги матбааларда чоп этилган китоблар ўрта-

сида ҳам фарқлар сезилади. Масалан, Қозон ва Тошкент босма китоблари ёзув жиҳатидан бири-биридан ажралиб туради. Қозон босма китоблари кўпроқ типографик усулда, Тошкентда нашр этилган китоблар эса тошбосма усулида чоп этилганлиги билан характерланиб туради. Булардан шу нарса равшан бўляптики, араб ёзуви асосидаги эски ўзбек имлосини чинакам маънода ўзлаштириш фоят мураккаб жараён, у ўқувчидан тинимсиз ўқиш, машқ қилиш ва ёзишни талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу қўлланмада имкони борича араб ёзувининг тошбосма ва қўлёзма турлари хусусида тўлароқ маълумот беришга ҳаракат қилинди.

Дастлабки сабоқларда араб алифбосидаги ҳарфларнинг вазифаси ва ёзилиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Кейинги сабоқларда эски ўзбек имлосини тўла ўзлаштириш билан боғлиқ мунфасил ва муттасил ҳарфлар, унли товушларнинг ёзувда ифодаланиши, араб сатр ости ва сатр усти белгилари, араб ва форс изофалари, йил, абжад ҳамда мучал ҳисоби, араб, форс календари

ва туркий календарь ойлари, ислоҳ қилинган эски ўзбек ёзуви каби масалаларга эътибор берилади. Сабоқлар охирида ўқувчиларнинг олган билимларини синаш мақсадида "Савол ва топириқлар" қисми ҳам киритилди.

Қўлланманинг охириги бўлими хрестоматиядан иборат. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган, "халқ китоблари" номи билан юритилувчи асарларнинг айримлари факсимилеси билан берилди. Эски ўзбек ёзувидаги айрим матнлар ўқувчиларнинг тушунишлари осон бўлиши учун ҳозирги ўзбек ёзувида ҳам берилди.

Қўлланма охирида, анъанага мувофиқ, ёзма ёдгорликлардан келтирилган парчалардаги тушунилиши мушкул сўзлар изоҳланди.

Бинобарин, ўтмиш даврлардан мерос бўлиб қолган манбаларни ўқиб ўрганишда дугатларнинг қиммати ва аҳамияти беқиёс. Эски ўзбек тили ва ёзуви ёдгорликларини мутолаа этишда ҳам бу жуда асқотади. Чунки, ҳозирги тилимиз билан эски